



## ИНФОРМАТИКА ЎҚИТУВЧИЛАРИДА УЗЛУКСИЗ КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИКНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МЕТОДИК ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

*Саломова Р.В.*

*педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),  
Сурхондарё вилояти Олий таълим, фан ва инновациялар бошқармаси  
шўъба бошлиғи*

**Таянч сўзлар:** билим, билиш, фикрлаш, тушунча, тасаввур, малака, машқ, кўникма, имконият, жараён.

**Ключевые слова:** знание, познание, мышление, понимание, воображение, умение, практика, умение, возможность, процесс.

**Key words:** knowledge, cognition, thinking, understanding, imagination, skill, practice, ability, opportunity, process.

Ахборотлаштириш таълим тизимини ислоҳ қилишнинг барча асосий йўналишларига таъсир кўрсатадиган механизм бўлиб, у бутун мамлакатни ахборотлаштиришнинг зарурий шарти ва энг муҳим босқичи ҳисобланади. Таълимни ахборотлаштириш янги ахборот технологияларининг қуйидаги асосий афзалликларидан самарали фойдаланиш имконини беради:

- ҳар бир шахсга ўз таълим траекториясини таъминлайдиган очик таълим тизимини қуриш имконияти;
- билиш жараёнини тизимли тафаккурга ўтказиш орқали уни ташкил этишни тубдан ўзгартириш;
- таълимни ахборот-методик таъминлашнинг самарали бошқарув тизимини яратиш;
- таълим жараёнида ўқувчиларнинг билиш фаолиятини самарали ташкил этиш;
- компьютернинг ўзига хос хусусиятларидан фойдаланиш, улардан энг муҳими: билиш жараёнини ташкил этиш имконияти, ўқув жараёнига фаол ёндашувни қўллаб-қувватловчи, таълим жараёнини



индивидуаллаштириш ва ундан янги когнитив воситаларидан фойдаланиш ҳамда уни тубдан ташкил этиш имконияти;

Бугунги кунда илм олишни ахборотлаштиришнинг амалий йўналтирилган давлат сиёсатига асос солинди, унинг устиворликлари бўлган дастлабки меъёрий-ҳуқуқий асослар яратилди. Бу борада қабул қилинган “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонун ва бошқа дастурий ҳужжатларга мувофиқ яратилган имконият ва имтиёзлар интеллектуал мулкдан унумли фойдаланиш самарадорлигини ошириш имконини берди [1]. Янги техника ва технологияларни ўзлаштириш, улар воситасида янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга асосланган интеллектуал мулк инновация жараёнларини ривожлантириш учун янги истикболларни очиб берилди.

Информатика ўқитувчиларида узлуксиз касбий тайёргарликни комплекс ривожлантиришнинг методик тизими уларнинг билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштиришни назарда тутди.

Билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш информатика ўқитувчиларининг маънавий баркамол шахс сифатида фаолият юритишида ўрин эгаллайди. Билим, кўникма ва малакаларнинг умумий мазмун ва моҳияти У.Н.Нишоналиев [5], Ю.К.Бабанский [2]ларнинг ишларида атрофлича қараб чиқилган, бироқ ушбу тушунчалар айнан илмий-техника ижодкорлиги ва ихтирочилик ижодкорлигига нисбатан чуқур тадқиқ қилинмаган. Педагогик адабиётларда “билим” тушунчаси одатда “инсонлар онгида борлиқнинг ҳаққоний акс этиши; билиш жараёнининг жамият амалиётида тасдиқланган маҳсулидир” деб таърифланади [5]. Инсон томонидан идрок қилинувчи буюм ва ҳодисалар билиш ва фикрлаш фаолияти натижасида субъектив образларга айлантирилиб борилади, улар ўз навбатида амалиётда тасдиқлангач тушунчалар, тасаввурлар ва улар тизимлари шаклига ўтади ва ушбу кўринишдаги билимлар хотирада сақланади.

Кўникма тушунчаси анъанавий нуқтаи назардан қаралганда, малакадан олдин ҳосил бўлади ва машқлар бажариш натижасида унга ўтади. “Қисқача педагогик луғат”да [5] кўникмалар “Маълум қонуниятларга асосланган янги ҳаракатларни ўзлаштириш ҳамда улардан мос равишдаги масаларни ҳал қилишда фойдаланиш” - деб таърифланади; кўникмалар назарий ва ёки амалий бўлиши мумкин. Шахснинг амалга ошириладиган жараёни онгли назорат қилиш даражаси турлича бўлиб, у ҳаракатларни такрорлаш натижасида ҳосил бўлган шартли рефлексор алоқаларининг мустаҳкамлигига боғлиқ бўлади, яъни у қай даражада мустаҳкам бўлса талаба кўникмаси ва маълум вазифаларни бажара олиш имконияти шу қадар юқори бўлади. Дастлаб кўникма амалда тўла фаҳмланган ҳолда



амалга ошади, кейинчалик шартли рефлексор алоқалари мустақкамлангач, ушбу назорат сусайиб боради.

Кўникмани эгаллаш тезлиги ва енгиллиги инсон тажрибасини ҳосил қилувчи туғма ва ҳосил қилинган сифатларга боғлиқ. Машқлар натижасида шахс ҳаракатларида шундай дақиқа юзага келадики, бунда уларни бажарилиш учун онгли назорат талаб этилмайди ва иш автоматик тарзда бажарилади, яъни кўникма малакага айланади. Такрорлаш йўли билан шакллантириладиган, юқори ўзлаштирилиш даражаси ҳамда анланган назоратсиз амалга оширилиши билан тавсифланувчи ҳаракатларга малака дейилади; перцептив, интеллектуал ва ҳаракат малакалари фаркланади [5]. Малака тўла шаклланганда ҳаракатда иштирок этувчи восита, усул ва шартлар ўз-ўзидан унинг ташкил этувчиларига айланиб қолади. Юқори мустақилликка эга бўлган муваққат асаб алоқаларининг тизими малаканинг физиологик асоси бўлиб хизмат қилади. Унга мувофиқ дастлабки ҳаракатлар операцияни бошлаб, ўзидан кейинги барча ҳаракатлар тизимини эргаштириб боради. Ҳаракатларни бажаришда онгли назорат қанчалик камайиб борса малаканинг шаклланганлик даражаси шу қадар юқори бўлади, бироқ ҳаракатларни бажариш тўла автоматлашган даражада бўла олмайди.

Билим, кўникма ва малакаларларни эгаллаш педагогик жараён ҳисобланиб, ушбу атама В.П.Беспалько томонидан қуйидагича таърифланган: “Педагогик жараён бу ўқитувчи томонидан ташкил этиладиган жараён бўлиб, у шахснинг маълум сифатларини шакллантириш, унга таълим-тарбия бериш вазифасини бажаради” [3]. Инсоннинг келажақдаги бутун фаолиятини, жумладан бўлажак информатика ўқитувчиларини тайёрлашдаги келажақда амалга ошириши лозим бўлган бутун педагогик жараённи олдиндан кўра билиш ва шунга мос равишда у ёки бу ҳолатда ўзини қандай тутиши кераклиги тўғрисидаги тавсиялар билан таъминлаш мумкин эмас.

Информатика ўқитувчиларида узлуксиз касбий тайёргарликни комплекс ривожлантиришнинг методик тизимини такомиллаштириш тузилмаси ва турлари мутахассис фаолиятининг мақсади ва устувор йўналишларига қараб белгиланади.

Функционал вазифаларига мувофиқ умумий ўрта ва ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларида, шунингдек, университетлар, институтлар ва малака ошириш курсларида ва таълим муаммолари билан шуғулланадиган илмий муассасаларда таълим-тарбия, ишлаб чиқариш-технологик, илмий-тадқиқот ва ташкилий-бошқарув фаолияти учун мутахассислар тайёрланади.



Информатика ўқитувчилари баъзи ҳолларда илмий-тадқиқот муассасаларида ва корхоналарда ҳам ишлаши мумкин. Фаолиятнинг устувор йўналишлари рўйхати уч асосга кўра таснифланади:

- 1) таълим муассасалари;
- 2) фаолиятнинг устувор йўналишлари;
- 3) ўқув фанлари ва курслари.

Таълим тизимида бундай таълим муассасалари ва қуйи тизимларга қуйидагиларни киритиш мумкин: ихтисослаштирилган таълим (юқори синфлар)ни амалга оширувчи умумтаълим мактаби; ўрта махсус касб-ҳунар таълими (ўқув юртлари, лицейлар, техникумлар, коллежлар ва бошқалар); курсларни тайёрлаш қуйи тизимлари (ўқув ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқалар); олий касбий таълимнинг қуйи тизими; олий ўқув юртидан кейинги таълим тизими. Шунга мос ҳолда информатика ўқитувчиларининг функционал вазифалари (бирламчи малака талабларига кўра қуйидагича бўлади:

- 1) Умумтаълим мактаблари, ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари, ўқув ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқаларда ўқитувчи;
- 2) ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида ишлаб чиқариш таълими устаси (инструктори);
- 3) олий таълим тизимида ўқитувчи;
- 4) олий таълим тизимида ишлаб чиқариш таълими устаси;
- 5) малака ошириш тизимида ўқитувчи.

Фаолиятнинг устувор йўналишига кўра информатика ўқитувчисининг функционал вазифалари йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- 1) ўқитувчи-тадқиқотчи;
- 2) ўқитувчи-методист;
- 3) ўқитувчи-тарбиячи;
- 4) ўқитувчи;
- 5) ишлаб чиқариш таълими устаси;
- 6) ўқитувчи-маъмур;
- 7) синфдан ташқари ишлар ташкилотчиси - ўқитувчи.

Ушбу таснифлаш асослари бўйича аниқланган рўйхатлар бир-бирини тўлдиради, улар мутахассислик ва ихтисосликнинг саноат турига боғлиқ эмас. Учинчи асос фаолиятнинг предмет соҳаси хусусиятини ҳисобга олади.



Бу ҳолда фаолиятнинг предмет соҳаси мутахассис ишлаши керак бўлган ишлаб чиқариш соҳаларини ёки умумий ижтимоий тизим соҳасини назарда тутади.

Методик (таълимий) фаолияти. Бу бошланғич синф ўқитувчисидан тортиб университет ўқитувчисигача ҳар қандай ўқитувчи фаолиятининг мураккаб ва муҳим таркибий қисмидир. Ушбу фаолият мазмуни, албатта, барча ўқитувчилар учун ҳар хил, унинг алгоритми, шунингдек уни амалиётда самарали амалга ошириш шартлари бир хил. Шартлар куйидагиларни ўз ичига олади (биз ташқи, ташкилий-моддий шароитларни ҳисобга олмаймиз, бу ерда фақат дидактик шартлар ҳақида гапирилади): ўқув жараёни маълум бир тарзда, ўргатишга таъсир қиладиган барча омилларни ҳисобга олган ҳолда ўқитувчи томонидан тайёрланган бўлиши керак; ўқув жараёнини тўғри ташкил этиш ва амалга ошириш керак; аллақачон амалга оширилган ўқув жараёнини таҳлил қилиш, хато ва камчиликларни ҳисобга олиш, уни тузатиш керак.

Ушбу шартларга асосланиб, кўрсатилган шартларни амалга оширилишини таъминлайдиган методик фаолият функцияларини шакллантиришимиз мумкин:

1) ўқув жараёнининг дастлабки маълумотлари, омиллари ва хусусиятларини аниқлаш ва (ёки) таҳлил қилиш, унинг моделини олдиндан кўра олиш;

2) самарали таълим фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқариш (тўғридан-тўғри амалга ошириш ва тескари алоқа);

3) амалга оширилаётган ўқув жараёни моделини тузатиш ёки тўлиқ ўзгартириш мақсадида мувофиқлик даражасини баҳолаш.

Табиийки, бу функциялар мажмуавий тарзда амалга оширилиши керак, фақат шундагина дидактик фаолиятни яхлит самарадорлиги ҳақида гапириш мумкин.

Функциялар турли тадқиқотчилар томонидан ўрганилган методик фаолиятнинг алоҳида компоненти доирасида амалга оширилади, лекин уларнинг таърифи бўйича турли терминология ва мазмунни изоҳлашда фарқлар мавжуд.

Ишлаб чиқариш-технологик фаолият. Бу фаолияти кўп ҳолларда информатика ўқитувчисини иқтисодиётнинг аниқ тармоғи мутахассиси сифатида тавсифлайди. Информатика ўқитувчисининг ишлаб чиқариш-технологик фаолиятининг асосий хусусияти уларни тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, келгусидаги меҳнат фаолиятида иккита йўналиш мавжудлиги ҳисобланади. Олий касбий таълим давлат



таълим стандарти ва малака талабларига мувофиқ информатика ўқитувчиси учун касб-ҳунар таълими муассасалари ва халқ хўжалигининг тегишли тармоқлари асосий “ишлаб чиқариш” соҳаси ҳисобланади.

Умуман, ишлаб чиқариш-технологик фаолият таълим муассасасида бевосита мутахассиснинг иштирокида ўқув-ишлаб чиқариш жараёнини таъминлаш ва бошқаришга қаратилади. У конструктив-технологик, ташкилий-бошқарув характеридаги ишлаб чиқариш-технологик ишлар мажмуи билан ифодаланади.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Ахборотлаштириш тўғрисида. 11.12.2003 йилдаги 560-II-сон.
2. Бабанский Ю.К. Ҳозирги замон умумий таълим мактабида ўқитиш методлари. -Т.: Ўқитувчи, 1990. 230 б.
3. Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. Институт проф.обр. Министерства Образования России.- М.,1995.336 с.
4. Краткий педагогический словарь пропагандиста./Сост.: М.Н. Колмакова и В.С.Суров; Под общ.ред. М.И.Кондакова, А.С.Вишнякова.-М.: Политиздат, 1984.-319 с.
5. Нишоналиев У.Н. Педагогик технология: истиқбол ва муаммолар // Таълимда янги педагогик технологиялар: муаммолар, ечимлар. Илмий-амалий конференция материаллари.Т., 1999. 11-20 б.

#### РЕЗЮМЕ

Янги техника ва технологияларни ўзлаштириш, улар воситасида янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга асосланган интеллектуал мулк инновация жараёнларини ривожлантириш учун янги истиқболларни очиб берилди. Мақолада информатика ўқитувчиларида узлуксиз касбий тайёргарликни комплекс ривожлантиришнинг методик тизимини, уларнинг билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш масалалари ёритиб берилган.

#### РЕЗЮМЕ

Открылись новые перспективы для развития инновационных процессов интеллектуальной собственности, основанных на внедрении новых методов и технологий, производстве с их помощью новой продукции. В статье описана методическая система комплексного развития непрерывной профессиональной подготовки учителей информатики, вопросы повышения их знаний, навыков и квалификации.

#### SUMMARY

New prospects have opened up for the development of innovative processes of intellectual property, based on the introduction of new methods and technologies, and the production of new products with their help. The article describes a methodological system for the comprehensive development of continuous professional training of computer science teachers, issues of increasing their knowledge, skills and qualifications.